



2018 yil „08“ ЯНВАРЬ № 04

Farg'ona shahri

**Фарғона вилоятида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб  
чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш  
ягона тизимини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Вилоятимизда ОИВ инфекцияси тарқалишини олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Фарғона вилоятининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича 2018 йил учун чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда - режа деб юритилади) тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар, вилоятда ОИВ инфекциясини олдини олиш, унга ташхис қўйиш ва уни даволаш бўйича аҳолига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ОИВ инфекциясининг тарқалиши сабаблари ва шароитларини ҳудудлар кесимида мунтазам таҳлил қилиш, миллий анъана ва маънавий-ахлоқий асосларни инобатга олган ҳолда, аҳолининг кенг қатламлари орасида мазкур касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг қамровли, мажмуавий чора-тадбирларни амалга ошириш;

вилоятда ОИВ инфекциясининг олдини олиш, унга ташхис қўйиш, даволаш соҳасида замонавий илғор тажрибалар ҳамда маҳаллий илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, уларнинг натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш;

ОИВ инфекциясига қарши курашиш бўйича малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, бу мақсадда етакчи Республика, халқаро таълим ва илмий муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш;

юқори сифатли ретровирусга қарши дори воситаларини харид қилишда вилоят бюджети ҳисобидан молиялаштириш улушини босқичма-босқич ошириб бориш;

ОИВ инфекциясини юқтириб олганларни ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, шу жумладан, ОИВ инфекцияли оналардан туғилган болаларни куруқ сут аралашмалари билан узлуксиз таъминлаш;

ОИВ диагностика лабораторияларининг моддий - техника базаси янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий асбоб - ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш;

ОИВ инфекциясига қарши курашиш бўйича фаолиятни тизимли равишда таҳлил этиш ва тадбирларни режалаштириш учун тиббиёт муассасалари фаолиятига замонавий ахборот - коммуникация технологиялари татбиқ этиш.

Режада кўрсатилган қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирдан чиқариш бўйича ишларнинг молиялаштирилиши вилоят молия бошқармаси томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

3. Вилоят Молия бошқармаси (С.Жўраев) 2018 йил учун режага киритилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни ўрнатилган тартибда ажратишни кўзда тутсин.

4. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.Умаров):

режада белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, шунингдек ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича вилоят бошқармалари, кўмиталари, идоралари, туман ва шаҳар ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари фаолияти ва ҳамкорлигини мувофиқлаштирсин;

тегишли ташкилотлар, илмий-амалий марказлар билан биргаликда вилоятда ОИВ инфекциясининг олдини олиш, ташхис қўйиш ҳамда даволаш соҳаларида илмий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борсин ва уларнинг натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилишини таъминласин;

туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда режада белгиланган тадбирлар ижроси устидан мониторингни йўлга қўйсин ва ҳар олти ойда амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

5. Вилоят телерадиокомпанияси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази ва бошқа алоқадор ташкилотлар аҳоли орасида ОИВ инфекциясининг олдини олиш, унга ташхис қўйиш ва даволаш масалалари бўйича доимий равишда ахборот-маърифий ишлар олиб борсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосарлари С.Кўчқоров ва И.Носировлар зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

\_\_\_\_\_



Ш.Ғаниев

Фарғона вилоятида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар  
2018 йил РЕЖАСИ

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Харажат-лар	Молиялаштириш манбалари	Бажарувчи лар	Амалга ошириш механизми ва кутиляётган натижалар
<b>I. ОИТСга қарши курашиш маркази лаборатория мажмуасининг моддий-техника базасини мустахкамлаш</b>						
1.	Вилоятда фаолият кўрсатаётган туманлараро ОИВ диагностикаси лабораторияларини Фарғона вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази балансига ўтказиш ҳамда моддий техник базасини мустахкамлаш (таъмирлаш, лаборатория аппаратлари ва жихозлари, орг. техника билан таъминлаш)	2018 йил 1-июл	147.0 минг АҚШ доллари	ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича Глобал жамғарма маблағлари (кейинги ўринларда Глобал жамғарма деб юритилади)		Марказ лабораторияси ва туманлараро ОИВ диагностика лабораторияси учун ИФА анализатори тўплами ва полимераза занжирли реакция - ПЗР анализатори тўплами, биохимик ва гематологик анализаторлар тўпламини сотиб олиш.
			Жами: 194 млн 472 минг сум			
	1. Кўкон шаҳар ТБ Қон қуйиш бўлими таркибидаги ОИВ диагностика лабораторияси;		84млн 972 минг сум	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Фарғона шаҳар ва туман ҳокимликлари Вилоят молия бошқармаси (в.б., С.Жўраев)	Туманлараро ОИТС лабораторияларини жорий ремонт қилиш, ортехника ва юмшоқ-каттик мебеллар билан жихозлаш.
	2. Қува туман ДСЭНМига қаршли ОИВ диагностика лабораторияси;	2018й. 3-чорак	4 млн сум	Бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)	Вилоят ОИТСга қарши кураш маркази балансига қабул қилиш.
	3. Риштон туман ДСЭНМига қаршли ОИВ диагностика лабораторияси;		90 млн сум			
	4. Ўзбекистон туман ДСЭНМига ОИВ диагностика лабораторияси		15 млн 500 минг сум			

2.	<p>Фарғона вилоят ОИТСга қарши марказини жорий таъмирлаш</p>	<p>2018 йил 2 чорақ</p>	<p>200 млн.сўм</p>	<p>Бажарувчининг ташқари маблағлари хисобидан</p>	<p>Вилоят молия бошқармаси (в.б., С.Жўраев)  вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров),</p>	<p>Фарғона вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази маъмурият биноси, асосий бинони фасад қисмини жорий таъмирлаш</p> <p>Фарғона вилояти ОИТСга қарши курашиш марказида ретровирусга қарши терапия дори воситалари ва дезинфекцияловчи воситаларни сақлаш учун (иккита) омборхоналар куриш.</p>
3.	<p>Вилоятнинг чегара худуди Сўх тумани ТБ қошида ОИВ диагностика лабораториясини ташкиллаш ва замонавий лаборатория тиббий жихозлари билан таъминлаш. (таъмирлаш, лаборатория аппаратлари ва жихозлари, тест система ва чиқарув материаллари, орг.техника билан таъминлаш).</p>	<p>2018 йил 1-чораги</p>	<p>270 млн.сўм</p>	<p>Маҳаллий бюджетнинг кўшимча маблағлари хисобидан</p>	<p>Вилоят молия бошқармаси (в.б., С.Жўраев) Сўх туман хокимлиги (Т.Э.Рахимов), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)</p>	<p>Лабораториянинг моддий техник базасини яратиш, лаборатория аппаратлари, жихозлари ва тест системалар ва чиқарув материаллари билан таъминлаш</p>
4.	<p>ОИВ-инфекцияли беморларга тиббий хизмат сифатини яхшилаш учун 2018 йилда Инвестиция дастурига киритилган вилоят юқумли касалликлар шифохонаси таркибида ихтисослаштирилган бўлим ташкиллаш.</p>	<p>2018 йилнинг 3-4 чорақ</p>	<p>Лойиха семата хкжжатлар и асосида</p>	<p>Республика Инвестиция дастури</p>	<p>Молия бошқармаси (в.б., С.Жўраев) вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)</p>	<p>Инвестиция дастурига киритилган вилоят юқумли касалликлар шифохонаси таркибида ихтисослаштирилган бўлим ташкиллаш.</p>

5.	<p><b>ОИТСга қарши қурашиш марказини:</b>  ОИВ инфекцияси диагностикаси ва лимфоцитларни (СД4) ҳамда ОИВ инфекциясини даволаш мониторингини олиб бориш учун реагентлар (полимераза занжирли реакция) билан етарли миқдорда таъминлаш.</p>	<p>2018 йил 1-чорак  2018 йил 2-чорак  2018йил 3-чорак  2018 йил 4-чорак</p>	<p>Жами 288 минг АҚШ долларлари:  72 минг АҚШ долларлари  72 минг АҚШ долларлари  72 минг АҚШ долларлари  72 минг АҚШ долларлари</p>	<p>Марказлашган давлат бюджет маблағлари</p>	<p>Молия бошқармаси (в.б., С.Жўраев)  Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)</p>	<p>Марказлашган таъминот хисобидан олинган тест-система, (СД4) ҳамда ОИВ инфекциясини даволаш мониторингини олиб бориш учун реагентларни тақсимот асосида марказга олиб келинишини таъминлаш ва мақсадли ишлатиш.</p>
<p>Иммунофермент таҳлилларини ўтказиш учун 3-4-авлод тест-системалари билан тўлиқ таъминлаш</p>	<p>2018 йил I-IV чорак</p>	<p>500 млн. Сўм  700 млн.сўм  500 млн.сўм</p>	<p>Махаллий бюджет маблағларидан  Махаллий бюджетнинг қўшимча манбаалари хисобидан  Бажарувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари доирасида</p>	<p>Вилоят Молия бошқармаси (в.б., С.Жўраев)  Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)</p>	<p>Таъминотчини аниқлаш, икки томонлама шартнома асосида эҳтиёждан келиб чиқиб, диагностика тўлиқ таъминот олиш</p>	

<b>II. ОИВ инфекциясыга қарши курашиш соҳасида кадрлар ва илмий салохиятгни ошириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш</b>						
6.	Вилоят ОИТС га қарши курашиш марказини мутахассисларга (физизиагр, стоматолог, фармацевт, врач статист, катта хамшира ва 2 та кичик тиббий ходим) бўлган эхтиёжнини инобатга олинган ҳолда штат бирликларини қайта кўриб чиқиш ва тегишли ўзгарттириш киритиш.	2018 йил. 1-чорак	-	-	Молия Бош бошқармаси (в.б. С.Жўраев), Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.Умаров), Бандлик бошқармаси (С.Давлатов)	Ишчи гуруҳ ташкил этиш ва Фарғона вилоят ОИТСга қарши курашиш марказининг янги штат меъёрларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун Молия бошқармасига тақдим этиш. Янги штат меъёрларини тасдиқлаш.
<b>III. Аҳоли, шу жумладан ОИВ юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар орасида ОИВ инфекцияси профилактикаси, диагностикаси ва даволаш тадбирларини амалга ошириш</b>						
7.	ОИВ инфекциясини даволаш ва махсус профилактикаси учун ретровирусга қарши препаратлар билан таъминлаш.	2018 йил 1-4 - чорак	1.0 млн. АҚШ доллари	Республика бюджет маблағлари	Вилоят молия бошқармаси (в.б. С.Жўраев),  Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)	ОИВ аниқланган ҳар бир беморни ОИТС марказида диспансер назоратига олинишини таъминлаш; Ретровирусга қарши ва ёндош касалликларни даволашга сарфланадиган дори воситаларига бўлган йиллик эхтиёжни аниқлаш; эхтиёж асосида ретровирусга қарши препаратлар билан таъминлаш бўйича ССВ ва вилоят Молия бошқармасига талабнома тайёрлаш
8.	ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларда вирусли, бактериал, замбуруғ этиологияли ёндош касалликларнинг олдини олиш ва даволаш.	2018 йил 1-4-чорак	64 млн 918 минг сўм	Маҳаллий бюджет маблағлари дан	Вилоят молия бошқармаси (в.б. С.Жўраев), Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)	Миллий баённомага мувофиқ ёндош касалликлар профилактикаси ва даволаш учун препаратлар билан узлуксиз таъминлашга маблағ ажратиш.

9.		2018 йил 25 январгача	Маблағ талаб этмайди	-	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)	Бирламчи тиббиёт муассаси (ҚОП., ОП), туман тиббиёт бирлашмаси, туғруқ муассаси ва ОИТСга қарши курашиш маркази мутахассислари томонидан ҳар бир ОИВ инфекцияли ҳомиладор аёлни ҳомиладорлик давридан токи туғруқ амалга ошгунгача бўлган даврда биргаликда тиббий кузагув картасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; ОИВни онадан болага юқишини олдини олишга қаратилган тиббий профилактик хизматлар ва уларнинг аҳамияти кўрсатилган ҳомиладор аёлга мўлжалланган буклет, эслатмалар ишлаб чиқиш ва уларга тарқатиш Гинекологлар ва туғруқ мажмуалари мутахассислари, педиатрлар, ОП ва ҚОП мутахассислари учун ОИВни онадан болага юқишини олдини олиш тадбирлари мавзусида ўқув-амалий машғулотлар ўтказиш Аёлга ретровирусга қарши дори препаратларини бериш ва она ва бола препаратларни ўз вақтида, тўлиқ қабул қилишини назорат қилиб бориш
10	ОИВ инфекцияли дискордант (бири ОИВ билан касалланган) жуфтликларни бир йилда камида икки марта тиббий кўриқдан ўтиб туришини таъминлаш	2018 йил давомид	-	-	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)	Дискордант жуфтликларни рўйхатини тузиш ва уларни тиббий кўриқдан ўтиш жадвалини тасдиқлаш. Белгилан жадвал асосида тиббий кўриқдан ўтишини ташкиллаштириш Уларнинг эҳтиёжи асосида жинсий ҳимоя воситасини, мулоқотдан кейинги профилактика препаратларини бериш

<p>ОИВ инфекцияли ҳомиладор аёлларни диспансер назоратига олиш, уларга касалликни онадан болага юқишини олдини олишга қаратилган тиббий профилактик ёрдамни кўрсатиш</p>	<p>2018 йил 25 январгача</p>	<p>Маблағ талаб этилмайди</p>	<p>-</p>	<p>Соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров),</p>	<p>Бирламчи тиббиёт муассаси (ҚОП., ОП), туман тиббиёт бирлашмаси, туғруқ муассаси ва ОИТСга қарши курашиш маркази мутахассислари томонидан ҳар бир ОИВ инфекцияли хомиладор аёлни ҳомиладорлик давридан токи туғруқ амалга ошгунгача бўлган даврда биргаликда тиббий кузатув картасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; ОИВни онадан болага юқишини олдини олишга қаратилган тиббий профилактик хизматлар ва уларнинг аҳамияти кўрсатилган хомиладор аёлга мўлжалланган буклет, эслатмалар ишлаб чиқиш ва уларга тарқатиш гинекологлар ва туғруқ мажмуалари мутахассислари, педиатрлар, ОП ва ҚОП мутахассислари учун ОИВни онадан болага юқишини олдини олиш тадбирлари мавзусида ўқув-амалий машғулотлар ўтказиш Аёлга ретровирусга қарши дори препаратларини бериш ва она ва бола препаратларни ўз вақтида, тўлиқ қабул қилишини назорат қилиб бориш.</p>
<p>11. ОИВ инфекцияли оналардан туғилган ёши 6 ойликгача бўлган болаларни сунъий куруқ сут аралашмалари билан таъминлаш.</p>	<p>2018 йил Январ-декабр</p>	<p>60,0 млн. сўм</p>	<p>Республика бюджети маблағлари</p>	<p>Вилоят молия бошқармаси (в.б. С.Жўраев), вилоят соғлиқни сақлаш</p>	<p>ОИВ инфекцияли оналардан туғилган 6 ойликгача бўлган болаларни сунъий куруқ сут аралашмалари билан узлуксиз таъминлаш. ОИТС га қарши кураш</p>



					<p>бошқармаси (О.М.Умаров)</p>	<p>марказида “Д” назоратида турган ОИВ инфекцияли хомиладорлардан туғилган болаларни курук сут аралашмаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш. Курук сут аралашмаларини чакалоқларга тарқатиш.</p>
12.	<p>ОИВ билан яшовчи шахсларни ижтимоий кўлаб қуватлашни таъминлаш. Уларни тақирланиши ва ҳақ ҳуқуқларини камситилишининг олдини олиш</p>	<p>2018 йил 10 февралгача</p>	<p>Республика тақсимоти бўйича</p>	<p>Глобал фонд маблағи</p>	<p>Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)</p> <p>Молия бошқармаси (в.б. С.Жўраев)</p>	<p>ОИВ билан яшовчи шахсларни муаммоларини ўрганиш, уларнинг иш, ўқиш, уй-жой, тиббий ёрдам ва таълим олиш жараёнларида юзага келиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларни ўрганиш</p> <p>ОИВ билан яшовчи шахслар ва уларнинг оила-аъзоларига мўлжалланган, беморнинг қонунда белгиланган ҳақ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўрсатилган эслатма, ахборот материалларини ишлаб чиқиш;</p> <p>Иш берувчилар, таълим муассасалари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар мутахассислари учун ОИВ билан яшовчи шахслар тахқирланиши ва ҳақ ҳуқуқларини камситилишининг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишларини олиб бориш;</p>

13.	18 ёшгача бўлган ОИВ инфекцияли болаларни ташхис қўйилган вақтдан бошлаб касалликнинг клиник боскичидан қатъий назар ижтимоий нафақа билан таъминлаш.	2018 йил	Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда	Давлат бюджети маблағлари	Вилоят соғлиқни бошқармаси (О.М.Умаров), Молия бошқармаси (в.б. С.Жўраев), Вилоят пенсия жамғармаси	18 ёшгача бўлган ОИВ инфекцияли болаларни ижтимоий нафақа билан ўрнатилган тартибда таъминлаш. 18 ёшгача бўлган ОИВ инфекцияли болаларга ўз вақтида ижтимоий нафақа берилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси нинг 2014 йил 10 сентябрдаги 256-сонли қарор талаблари ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш.
14.	ОИВ ва бошқа гомоконтакт инфекцияларини шифохона ичи шароитида юқишини олдини олиш	Йил давомида мунтазам	Маблағ талаб этмайди	-	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров), Фарғона вилоят ДСЭНМи (А.Якубов)	ДПМлар ўз эҳтиёжини ўрганиб чиқиши. Йиллик талабномани шакллантириш ва тасдиқлаш. Етарли маблағ ажратилиш чоралари кўриш. ОИВ ва бошқа гомоконтакт инфекцияларини шифохона ичи шароитида юқишини олдини олиш борасида ДСЭНМ хизмати назоратини кучайтириш. Хусусий даволаш-профилактика муассасаларида молиевий хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, худудий ДСЭНМ томонидан мониторинг олиб бориш. Мазкур ДПМларда ОИВ инфекцияси юқиши ҳолати гумон қилинганда, эпид.суриштирув ишларини тўлиқ ўтказиш.
15.	Маиший хизмат кўрсатиш объектларида ОИВ ва бошқа гомоконтакт инфекцияларнинг парентерал йўл билан юқишини олдини олиш бўйича комплекс тадбирларни ўтказиш	2018 йил 10 февралгача  2018 йил 1 мартгача		Маиший хизмат курсатиш объектлари маблағлари доирасида	Фарғона вилоят ДСЭНМи (А.Якубов) Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)	Маиший хизмат кўрсатиш объектлари дислокациясини аниқлаш;  Маиший хизмат кўрсатиш объектлари ходимларини ОИВ ва бошқа гомоконтакт инфекциялар-

		2018 йил 10 мартгача				нинг парентерал йўл билан юқишини олдини олиш тадбирлари бўйича ўқитиш, уларга бу борада амалий-услубий ёрдам кўрсатиш бўйича уч томонлама шартнома - келишув имзолаш;  Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва келишилган жадвал асосида семинарларни ўтказиш
16.	<p>ОИВ инфекцияси юқиши хавфи юқори бўлган гуруҳларни ОИВ инфекциясига текширувлар билан камраб олиш ва улар орасида профилактик тадбирлар ўтказиш кўламини кенгайтириш.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-бир мартаба ишлатиладиган шприцлар;</li> <li>- ишлатилган шприцларни хавфсиз йўқотиш учун контейнер;</li> <li>- шахсий ҳимоя воситалари;</li> <li>-ОИВни аниқлаш учун тезкор тест синамалар;</li> <li>-стерил спиртли салфеткалар.</li> </ul>	2018 йил январ-декабр	72,5 минг АҚШ доллари	Глобал жамғарма маблағлари	Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров)	“Ишонч хоналари”нинг узлуксиз фаолияти учун зарур тест-системалар ва тиббий анжомлар билан таъминлаш.

17.	<p>Меҳнат мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини комплекс профилактика ишлари билан қамраб олиш.</p> <p>Аэропорт, темир йўллар ва чегарани кесиб ўтувчи автотранспортда чет давлатлардан уйига қайтаётган мигрантларга ОИВга тестдан ўтишининг аҳамияти, касалликнинг жинсий йўл билан юқишини олдини олиш тадбирлари ёритилган тарғибот материаллари тарқатилиши ва ижтимоий роликлар намойишини йўлга қўйиш</p>	<p>2018 йил январ-декабр</p> <p>2018 йил март-декабр</p>	<p>Маблағ талаб этмайди</p>		<p>Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.М.Умаров), “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК (М.Мадамино), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (М.Ғофуров, Р.Зохидов) Фарғона вилоят ТРК (Ж.Ў.Мамарасулов), Тасвирий ойна</p>	<p>Оилавий поликлиникалардаги умумий амалиёт шифокорлар ва патронаж ҳамширалар ёрдамида мигрантлар оилаларида ОИВ инфекцияси бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш.</p> <p>Маҳалла фаоллари ёрдамида уйига қайтган мигрантларни тиббий кўриқдан ўтишга жалб қилиш</p> <p>Мигрантларга ОИВга тестдан ўтишининг аҳамияти, касалликнинг жинсий йўл билан юқишини олдини олиш тадбирлар ёритилган тарғибот материалларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва тарқатиш.</p> <p>Аэропорт, темир йўл вокзалларида, ҳаво ва темир йўл транспортларида, жамоат автотранспортларида тарғибот материалларини тарқатиш ва намойиш этиш</p>
18.	<p>Вилоятдаги</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- 998 та маҳалла;</li> <li>- 5 та ОЎЮ;</li> <li>- 157 та коллеж, лицей;</li> <li>- 913 та мактаблар;</li> <li>- 19 та туман ИИБ;</li> <li>- 19 та туман ҳокимиятлари;</li> <li>-642та мактабгача таълим муассаларида ОИВ инфекцияси, унинг юқиш йўллари, профилактикаси бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини ўтказиш.</li> </ul>	<p>2018 йилнинг 1 мартигача</p> <p>2018 йил келишилган хамкор режа асосида</p>	<p>100,0 млн.сўм</p>	<p>Маҳаллий бюджет маблағлари доирасида</p>	<p>Молия бошқармаси (в.б. С.Жўраев), ВССБ (О.М.Умаров), Вилоят хотин-қизлар қўмитаси Адлия бошқармаси (М.М.Назаралиев, “Маҳалла” жамғармаси (Ш.Х.Эрматов), ИИБ (Р.Т.Маматов), Вилоят бандлик</p>	<p>Режа лойиҳасини ишлаб чиқиш, хамкор ташкилотлар билан келишиш ва тасдиқлаш</p> <p>Маҳалларда ва кўп қаватли уйларида яшовчи, уй бекалари, қайноналар, келинлар, айниқса хомиладор аёлларга ОИВ инфекцияси, унинг юқиш йўллари ва профилактикаси бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш.</p> <p>Никоҳланувчилар ўртасида касаллик тарқалишини олдини олишда диний идоралар, ФХДЁ ходимлари билан хамкорлик қилиш.</p> <p>Қонуний никоҳдан ўтмасдан туриб, шаръий никоҳ билан оила қуришни</p>

						<p>олдини олиш.</p> <p>ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларга инсонпарварлик, бағрикенлик (толерант) муносабатни шакллантириш, стигма ва дискриминацияни олдини олиш.</p> <p>ОИВ инфекцияси бўйича ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш, семинарлар ташкил этиш.</p> <p>Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тарғибот ишларини кучайтириш, янги ахборот тарқатма материалларини ишлаб чиқиш, Оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш</p>
					<p>бошқармаси (С.Д.Давлатов),</p> <p>Вилоят халқ таълими бошқармаси (М.Турдиматов), Олий ўқув юрглари, ўрта махсус таълим хуудудий бошқармаси (Қ.Л.Ишанов),</p> <p>Фарғона вилоят ТРК (Ж.Ў.Мамарасулов), Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят бўлими (А.И.Акбаров),</p> <p>Республика мусулмонлар идораси вилоят бўлими (Т.Эрбўтаев)</p>	
					<p>Соғлиқни сақлаш бошқармаси (О.Умаров),</p> <p>Фарғона вилоят ТРК (Ж.Ў.Мамарасулов),</p> <p>Тасвирий ойна</p>	
					<p>Бахарувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари доирасида</p>	
					<p>50 млн</p>	
					<p>2018 йил 1 апрелгача</p> <p>2018 йил – 10 апрелгача</p>	
					<p>Оммавий-ахборот воситалари орқали мигрантлар орасида ОИВ инфекциясини тарқалганлик ҳолатлари, касалликни мигрантлардан уларнинг турмуш ўртоқлари ва болаларига юқиши ҳолатлари, касалликнинг аянчли оқибатлари кўрсатилган видеороликлар, кўрсатувлар, эшиттиришлар, мақолаларни кўпайтириш.</p>	
					<p>Интернет тармоғида оммабоп канални ташкил этиш. ОИВ/ОИТС масалалари бўйича савол жавобларни ўз ичига олган дастурларни ишлаб чиқиш ва оммага тадбиқ қилиш</p>	
19.					<p>2018 йил январ-декабр</p>	
20.					<p>Маблағ талаб этилмайди</p>	
					<p>ВССБ (О.М.Умаров)</p>	
					<p>Роликлар матнини тайёрлаш; суратга тушириш</p> <p>Телерадиокомпания билан ижтимоий роликларни намойиши, кўрсатувлар ва радиоэшиттириш лар тайёрлаш бўйича шартнома тузиш</p> <p>Дастурларни ишлаб чиқилган Республика комиссиясига тақдим этиш, руҳсатдан ўтган дастурларни амалиётга тадбиқ этиш.</p>	

Давлат дастурда назарда тутилган тадбирлар бажарилиши учун жами харажатлар: 2 млрд 639 млн. 390 минг сўм ва 1 млн. 589 минг. 500 АҚШ доллари		
Шундан:	Сўм	АҚШ доллари
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	60 млн сўм	1 млн. 288 минг
Маҳаллий бюджет маблағлари	Ҳисоб-китоб асосида	-
Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари, грантлар	-	301 минг. 500 минг
Бажарувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	859 млн 500 минг сўм	



